



10.00.00

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ  
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ  
PHILOLOGICAL SCIENCES**

**ЭРКИН ВОҲИДОВ ВА АДАБИЙ АЛОҚАЛАР**

Мўминжон Сулаймонов, Наманган давлат университети  
ўзбек адабиётшунослиги кафедраси доценти,  
филология фанлари номзоди+998937052555  
Аббосжон Роҳаталиев, Наманган давлат университети  
ўзбек адабиётшунослиги кафедраси ўқитувчиси  
тел:+998999326434

***Аннотация.** Мазкур мақолада Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг гадабий таржималари ва унинг ўзбек адабиёти ривожига ўрни хусусида фикр юритилган. Шоирнинг таржимонлик маҳорати атрофлича тадқиқ этилган.*

***Калит сўзлар:** мумтоз адабиёт, қасида, таржима, жаҳон адабиёти, антик адабиёт тарихи, Рим адабиёти*

**ERKIN VAHIDOV AND LITERARY RELATIONS**

Mominjon Suleymanov, Namangan State University  
Associate Professor of Uzbek Literature,  
Candidate of Philological Sciences + 998937052555  
Abbosjon Rohataliev, Namangan State University  
Teacher of the Department of Uzbek Literature  
tel: +998999326434

***Annotation.** This article discusses the literary translations of the People's Poet of Uzbekistan Erkin Vahidov and his role in the development of Uzbek literature. The poet's translation skills have been studied in detail.*

***Keywords:** classical literature, poetry, translation, world literature, history of ancient literature, Roman literature*

**ЭРКИН ВАХИДОВ И ЛИТЕРАТУРНЫЕ СВЯЗИ**

Моминжон Сулейманов, Наманганский государственный университет  
Доцент узбекской литературы,  
Кандидат филологических наук + 998937052555  
Аббосжон Роҳаталиев, Наманганский государственный университет  
Преподаватель кафедры узбекской литературы  
тел: +998999326434



**Аннотация.** В статье рассматриваются литературные переводы народного поэта Узбекистана Эркина Вахидова и его роль в развитии узбекской литературы. Детально изучено переводческое мастерство поэта.

**Ключевые слова:** классическая литература, поэзия, перевод, мировая литература, история античной литературы, римская литература.

Эркин Воҳидов ўзбек мумтоз адабиёти тарихини, шунингдек, туркий халқлар адабиётини ҳам жуда яхши билганлиги ҳаммага айён ҳақиқат. Шоир ўтган XX асрнинг 60-йилларида битган “Ўзбегим” қасидасининг дастлабки байтларидаёқ фахр билан ёзган эди:

*Сўйласин Афросиёбу  
Сўйласин Ўрхун хати,  
Кўҳна тарих шодасида  
Битта маржон ўзбегим. [2-209]*

Қасиданинг кейинги деярли барча байтларида ҳам халқимиз ва адабиётимиз тарихига оид кўплаб фикрларнинг бадиий ифодасини кузатамиз:

*Туздию Мирзо Улугбек  
Кўрагоний жадвалин,  
Сирли осмон тоқига илк –  
Кўйди нарвон ўзбегим.  
Мир Алишер наърасига  
Акс садо берди жаҳон,  
Шеърят мулкида бўлди  
Шоҳу султон ўзбегим.[2-210]*

Шундай бўлиши билан бирга шоир бошқа халқлар адабиётидан ҳам атрофлича хабардор эканлиги кўпгина шеърларидан маълумдир. Мана шу сабаб туфайли Эркин Воҳидов жаҳон адабиёти тарихини ҳам жуда яхши билиши ҳамда асарларида бу улкан хазинадан унумли фойдаланганлиги мазкур мақоламизнинг асосий мавзуси бўлди.

Ижодкорнинг жаҳон адабиётини атрофлича билиши, бизнингча, икки соҳада кўзга ташланади. Аввало, шоир жаҳон адабиётининг дурдона намуналарини ўзбек тилига юксак маҳорат билан ўтирганлигини таъкидлашимиз лозим. Иккинчидан, унинг асарларида жаҳон адабиётида учрайдиган сюжетлар ва қаҳрамонлар номларини тез-тез тилга олинади.

Эркин Воҳидовнинг таржимонлик маҳорати, айниқса, машҳур рус шоири Сергей Есенин шеърларини ҳамда немис адиби Иоган Вольфганг Гётенинг “Фауст” трагедиясини зўр маҳорат билан ўтирганлиги ҳақида кўп ва хўп ёзилган. Бу таржималар тўғрисидаги тадқиқотларда таъкидланганидек, мазкур ўғирмаларни ўқиган китобхон айрим сўз ва ибораларни ҳисобга олмаганда, аслият рус тилида ёзилганлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Шунингдек, Гётенинг дунёга машҳур асарини ўз тилларига муваффақиятли ўтирган таржимонлар кўпчиликини ташкил этмайди. [3-268]

Шоир француз романтизм адабиётининг ёрқин вакиллари билан бири Виктор Гюгонинг “Шоҳона ишрат” драмасыни ҳам таржима қилган.[4-85-223]

Аслида шоир таржимонлик фаолиятини қачон ва қайси асарларни таржима қилишдан бошлаган деган саволга аниқлик киритиб олиш ҳам зарур, деб ҳисоблаймиз. Эркин Воҳидов филология факультетининг талабаси сифатида жаҳон адабиёти,



жумладан, антик адабиёт тарихидан маърузалар тинглаганлиги аниқ. Ўша вақтларда хали антик адабиёт тарихидан ўқув қўллама ва дарслик нашр этилмаган эди. Атоқли олим қадимги Европа адабиётининг зукко билимдони Абдурахмон Алимўхаммедов “Антик адабиёт тарихи” дарслигини ёзаётган пайтда собиқ шоғирдини ҳам бу ишга жалб қилган кўринади. Юқоридаги дарслиқда келтирилган қадимги юнон ва қадимги Рим шоирлари асарларидан намуналарнинг таржимони Эркин Воҳидов деб кўрсатилганлиги шундан далолат беради. Шу ўринда эслатиб ўтиш лозимки, А. Алимўхаммедов ўтган XX асрнинг 60-70-йилларида Тошкентдаги бир неча олий ўқув юртларида “Антик адабиёт тарихи” фанидан маърузалар ўқиган. Шоир талабалик йилларидаёқ истеъдодли ижодкор сифатида иқтидорини намоян қилганлиги ҳам кўпчиликка маълум.

Э. Воҳидов қадимги юнон адабиётидан 11 та шеърий парча, Рим адабиётидан 6 та парча, жами 17 та намунани таржима қилганлиги юқоридаги фикрларимизнинг далилидир. Тўғри, атоқли адиб ва таржимон Муҳаммад Али ҳам “Антик адабиёт тарихи” дарслиқига киритилган айрим парчаларнинг таржимони ҳисобланади.

Аслини олганда, Рим адабиётидан дастлабки таржималарнинг намуналари атоқли адиб Ойбекка тааллуқлидир. Достон ва романлари билан танилган Ойбек шеърий таржима билан жиддий шуғулланади ва қисқа вақт ичида салмоқли асарларни таржима қилишга улгуради. Бу намуналарни 1940 йилда “Рим адабиётидан таржималар” номи остида нашр эттиради. Айнан шу нашрда қадимги Рим адабиётининг машҳур вакили - комедиянавис Плавтнинг “Хумча” асари таржимаси ҳам ўрин олган эди. Бу комедия дунё адабиётида машҳур бўлган асарлардан биридир. Кейинчалик “Рим адабиётидан таржималар” Ойбекнинг 20 жиллик “Мукамал асарлар тўплами”нинг XV жилдига киритилди. [5-7-61] Бу таржималарни аслият билан қиёслаб, тадқиқотлар олиб бориш келажакда амалга ошириладиган изланишларга мавзу бўлиши, шубҳасиз.

Э. Воҳидовнинг халқимиз орасида машҳур бўлган “Олтин девор” комедияси айнан Плавтнинг “Хумча” асаридан илҳомланиб, таъсирланиб ёзилган, десак ҳам, балки муболаға бўлмас. Ҳар иккала асар комедия жанрида битилган, шунингдек, ўғирланган хазина сюжетига асосланган. [2-380-425]

Э. Воҳидов жаҳон адабиётининг яна кўплаб машҳур намоёндалари асарларини юксак маҳорат билан ўзбек тилига ўтириб, китобхонларга тақдим этди. Жумладан, форс шоири Ҳофиз Шерозий, ҳиндистонлик шоирлар: Бедил, Мирзо Ғолиб, Муҳаммад Иқбол, рус шоири А.С.Пушкин, немис шоири Фридрих Шиллер, арман адиблари: Сильва Капутикян, Геворг Эмин, грузин шоири Мухран Мачавариани, аварларнинг ҳассос шоири Расул Ҳамзатов ва бошқаларни эслатиб ўтиш кифоя, деб ўйлаймиз.

Расул Ҳамзатовнинг “Она тилим” ва яна бир неча шеъри Э. Воҳидов таржимасида умумий ўрта таълим мактабларнинг “Адабиёт” дарслиқларига киритилди. [6-41] Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Р. Ҳамзатовнинг “Менинг Доғистоним” номли машҳур асарининг ҳам ilk таржимони Э. Воҳидов ҳисобланади. Шоир томонидан бу асарнинг дастлабки таржималари “Гулистон” журналда босила бошлаган. Ўта ватанпарварлик руҳида ёзилган бу асарнинг ўзбек тилига ўтирилиши ўша даврнинг “хушёр” сиёсатчилари учун маъқул бўлмаган. “Ўзбегим” қасидаси билан халқимизнинг қалбида ватанпарварлик руҳини жўштириб юборган шоирнинг мазкур таржимаси чегарадан чиқиш ҳисобланган. Э. Воҳидовга, яхшиси, “Менинг Доғистоним” асарининг давомини таржима қилмай туришни маслаҳат беришган. Кейин бу асар истеъдодли шоир Асрор Мўмин томонидан тўла таржима қилиб, нашр эттирилди. [7-261]



Шоир таржималари ўзбек китобхонларини жаҳон адабиёти намуналари билан таништиришда катта аҳамият касб этиши табиийдир. Биз бу соҳада айрим жиҳатлар ҳақида баҳс юритиш билан чекландик, холос.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек таржима аждабиётини ва адабий алоқаларни Эркин Воҳидов ижодисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Алимӯҳаммедов, А. Антик адабиёт тарихи. Университетларнинг филология ҳамда педагогика институтларининг тил ва адабиёт факультетлари учун дарслик. Иккинчи нашр. – Тошкент: “Ўқитувчи” нашриёти, 1975. – 416 бет.
2. Воҳидов, Эркин. Асарлар. Биринчи жилд. Баҳор таровати. – Тошкент: “SHARQ” НМАК БОШ ТАҲРИРИЯТИ. 2015.
3. Гёте, И.В. Фауст. Трагедия. Эркин Воҳидов таржимаси. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1972. – 268 бет
4. Гюго, Виктор. Клод Гё. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2014. Ойбек. Рим адабиёти (Таржималар). МАТ. 20 томлик. XV том. - Тошкент: Фан, 1978
5. Плавт. Хумча (Кўмилган хазина). // Ойбек. Рим адабиёти (Таржималар). МАТ. 20 томлик. XV том. - Тошкент: Фан, 1978. 7-61-бетлар.
6. Ҳамзатов, Р. Она тилим. Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синф учун Адабиёт дарслиги. - Т.: “Шарқ” НМАК БОШ ТАҲРИРИЯТИ 2017. 41-бет.
7. Ҳамзатов, Р. Менинг Доғистоним. Асрор Мўмин таржимаси. Тошкент. “Тафаккур”. 2011

#### **ОСНОВНОЕ РАЗЛИЧИЕ В ПОДХОДАХ ДВУХ ШКОЛ В НЕЙРОЛИНГВИСТИКИ**

Самостоятельный соискатель Наманганского государственного университета  
Мухайё Муталлиевна Дедаханова

***Аннотация:** В данной статье раскрывается нейролингвистику как отдельный предмет науки и разделении двух школ в нейролингвистики, а также как речевой процесс опирается на ряд совместно работающих зон мозговой коры, каждая из которых имеет особое значение для организации речевой деятельности. Отсюда вывод о необходимости дальнейших поисков новых зон, ответственных за другие коммуникативные функции.*

***Ключевые слова:** Нейролингвистики относят к двум фундаментальным открытиям нейropsychологии, форме черепа, извилины левого полушария.*

#### **MAIN DIFFERENCE IN THE APPROACHES OF TWO SCHOOLS IN NEUROLINGUISTICS**

Independent applicant for Namangan State University  
Mukhayo Mutallievna Dedakhanova

***Abstract:** This article reveals neurolinguistics as a separate subject of science and the separation of two schools in neurolinguistics, as well as how the speech process relies on a number of jointly working areas of the cerebral cortex, each of which is of particular importance for the organization of speech*